

Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўллари танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар заҳирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.

Президент Ислоҳ КАРИМОВнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан.

Mustaqillik huquq demakdir

03
(422)

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Yanvar				
D.	30	2	9	16 23
S.	31	3	10	17 24
Ch.	4	11	18	25
P.	5	12	19	26
J.	6	13	20	27
Sh.	7	14	21	28
Y.	1	8	15	22 29

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Respublika Bosh prokuraturasida



Чоршанбадан Чоршанбагача

11 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов 10-11 январ куллари Қозоғистон Республикасида бўлиб, Президент Нурсултон Назарбоевнинг ўз вазифасини расман бажаришга киришишга бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

12 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

14 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари кун»и муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Муҳофаза ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат chegarаларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтакавий штабининг Термиз чегара районини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонлари матбуотда чоп этилди.

16 январ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Халқаро муносабатларнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишда парламент институтининг ўрни» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Ишончни оқлаш – бурчимиз

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасида Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан давлат мукофотларига сазовор бўлган ходимларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Мажлис залига бирин-кетин кириб келаётган прокуратура ходимлари бир-бирларини байрам билан самимий қўтлаб, келгуси ишларига муваффақият тилар эдилар. Машаққатли меҳнатлари муносиб баҳоланган қонун ҳимоячиларининг дилларига ҳамкасбларининг табриклари ва эзгу тилаклари ўзгача илқилик бағишлаётгани юзларидagi самимий кулгудан кўриниб турарди.

Тадбирни Бosh прокурор Рашидjon Қодиров табрик нутқи билан очиб берди. У ҳамкасбларини қўтлар экан, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтиришдай масъуляти вазифани адо этишда барчага муваффақиятлар тилаб, ҳуқуқ-тартибот органлари хизматчилари орасида давлат мукофотларига сазовор бўлганларнинг сафи янада кенгайишига ишонч билдирди.

«Ватан ҳимоячилари кун»и муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Муҳофаза ва Фавқулодда вазиятлар вазирлик-

лари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида»ги Президент Фармонида биноан халқимиз осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун бир гуруҳ прокуратура ходимлари Ватанимизнинг юксак нишонлари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Президентининг фармонида асосан Республика Бosh прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиги Ш.Муҳамедовга «Меҳнат шўхрати» ордени, Андижон вилоят прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиги А.Тургунов ҳамда Бosh прокуратуранинг прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиги Э.Йўлдошевга «Жасорат» медали, Бosh прокуратуранинг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Ш.Хусенов ва Хўжаобод туман прокурорининг ёрдамчиси С.Элмуродовга

«Шўхрат» медали топширилди.

Мукофот ва совғалар топширилгандан сўнгра тақдирланган ходимларнинг айримлари сўзга чиқиб, ватан манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилишларини билдиришди.

Шундай улуг кун олдидан аждодларимизнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, инсонпарвар, демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ прокуратура ходимларининг давлат мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган саяё-ҳаракатларнинг эътироф этилишидир. Бу бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиш билан бирга, зиммамизга янада улкан масъулият ҳам юклайди. Мукофотга муносиб бўлиш, билдирилган ишончни оқлаш — ҳар бир прокуратура ходимининг бурчидир.

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,
Республика Бosh прокуратурасининг
бошқарма прокурори,
Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

Tahlil

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Андижон вилоят прокуратураси органларининг қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги 2005 йилги фаолияти ажувлари ва келгусидаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишини вилоят прокурори Б.Дехъонов олиб борди. Унда Бosh прокуратуранинг бўлим бошлиги М.Эгамбердиев, вилоят про-

куратура органлари прокурор-тергов ходимлари, СВОЖҚК бошқармаси ва бўлим бошликлари қатнашдилар, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари К.Маматов маъруза қилди.

Танқидий рўзга ўтган йиғилишда асосий эътибор жиноятчиликнинг барча кўринишларига нисбатан муросасизлик билан кураш олиб боришга, назоратнинг таъсирчанлигини таъминлашга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқ ҳўжалигида исло-

ҳотларни жадаллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган фармонлар ҳамда ҳуқуқат қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилиши лозимлиги таъкидланди. Йиғилиш якунида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Ниқо» мухбири

Tadbir

Мувофиқлаштирувчи кенгаш

Қарши туман прокуратурасининг мажлислар залида мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди. Ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари иштирок этган ушбу йиғилишда туман прокурори Малика Ҳақбердиева жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорликдаги вазифалар хусусида маъруза қилди.

Туман ички ишлар бўлимининг бошлиги Раҳмат Маматов тумандаги қриминоген вазиятни таҳлил қилиб берди.

Туман судининг раиси Рўзиқул Бекназаров дас'лабки терговнинг ютуқ

ва камчиликлари, одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлаш омиллари хусусида сўзлади.

Бошқа идоралар раҳбарлари ҳам камчиликларни бартараф этишда ҳам-ижтимоий ўрни хусусида гапирдилар.

Йиғилишда қонунийликни таъминлаш борасидаги таҳлил ва умумлашмалардан барчани бохабар қилиб бориш ва бундай тадбирларни ҳуқуқзарлик кўпроқ содир бўлаётган фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Довуд МАДИЕВ

СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАВАР ҚИЛАДИ

ЖАЛОЛКУДУҚ туманидаги «Қодир отан хусусий фирмаси раҳбари С.Жумабоева «Охунбоев мақка саралаш» МЧЖ мансабдорлари билан келишиб, 2003 – 2004 йиллар давомида улгуржи савдо гувоҳномасига эга бўлмаган ҳолда 75.634.900 сўмлик маҳсулотни улгуржи сотганлиги ҳамда давлат бюджетига 1.206.600 сўмлик солиқ ва бошқа тўловлари тўламаганлиги аниқланган. Шунингдек, «Охунбоев мақка саралаш» МЧЖ мансабдорлари сохта ҳужжатлар асосида 2005 йилда бухгалтерия ҳисоботларига қўшиб юбориш йўли билан 1.542.700 сўмлик омухта ёмни талон-тарож қилганликлари маълум бўлди.

САМАРҚАНД шаҳридаги «Омега сервис плюс» МЧЖ бош ҳисобчиси И.Облокулов қалбаки шартномага асосан «Ойбек Анвар» хусусий фирмасига мебел учун деб 5.500.000 сўм пулни кўчиргани аниқланди. У ушбу хизмати учун фирма раҳбари А.Болтаевдан 2500 АҚШ доллари, 5000 Россия рубли ва 1.647.500 сўмни олаётган вақтида ушланган.

ПАСТАРҲОМ туман «Жума» почта алоқа тармоғига қарашли «Намозгоҳ» алоқа бўлими ходимлари Б.Ахмедов, Қ.Мадаминова, З.Умурзоқова ва М.Нодировлар бир қанча фуқароларга 2005 йилнинг ноябр ойи учун берилши лозим бўлган 8.406.900 сўмлик нафақа ва коммунал хизмат ҳақи пулларини бермасдан, ведомостлардаги имзоларни қалбақлаштиришиб, ўзлаштирилганликлари аниқланди.

ЧОРТОҚ туман «Айқирон» ҚФЙ ҳудудида М.Савдуллаев бошқариб бораётган 16 А 72-86 номерли «КамАЗ» автомашинаси тўхтаб текширилганда, З.Исоқўжаев белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказмасдан, чет элда етиштирилган 8500 кг. мандарини олиб кетаётганлиги аниқланди. У ушбу маҳсулотларни сотиб, 1.664.600 сўмлик даромад олишни кўзлаган экан.

БЕҲҲИЙ туман Мустақиллик кўчаси 14-уйда яшовчи А.Уразимбетов фойда олишни кўзлаб, уйда ўсимлик мойи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Лекин электр тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, қонундан четга чиқди. Натijaда ундан 312.700 сўмлик 1102 кг. чигит, 130 кг. ўсимлик мойи, 2 дона мойжувоз ускунаси ва бошқа жиҳозлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

ҲУЖАБОД туманидаги «Имом бўлгои» хусусий фирмаси раҳбари Н.Сулаймонов ва бош ҳисобчи А.Маваоновлар 2004 йилда қалбаки улгуржи савдо гувоҳномаси асосида 378.850.000 сўмлик товар айланмасини амалга оширганлиги ва туман солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида суммани 198.850.000 сўмга камайтириб кўрсатганлиги аниқланган. Шунингдек, улар «Чинобод пахта тозалаш ва «Сўфиқиллоқ пахта тозалаш» акционерлик жамиятларининг мансабдорлари билан тил бириктириб, сохта шартнома асосида уларга 198.852.000 сўмлик эҳтиёт қисмларни етказиб берган. Кейинчалик ушбу эҳтиёт қисмлар учун пул ундириш мақсадида ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан «Хумо-3» АЖнинг «Анджон пахта саноат» АЖда бўлган 198.850.000 сўмлик қарзини аввал «Чинобод пахта тозалаш» АЖ ва «Сўфиқиллоқ пахта тозалаш» АЖга, кейинчалик «Имом бўлгои» хусусий фирмасига ўтказганликлари маълум бўлган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖҚнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши кўзгатирилган.

Инсонпарварлик

Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги қонун ҳимоясида эканлигининг эътирофидир. Демак, қонун нафакат жазолайди, балки ҳимоя ҳам қилади. Мазкур амнистия ақтининг моҳиятини жамоатчиликка, жазони ўташ жойларидаги маҳбусларга етказиш борасида тегишли тадбирлар белгилаиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Амнистия у кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон судлари томонидан судланган шахсларга қўлланилади. Мазкур қарорга кўра асосий жазодан озод этилган маҳмулар қўшимча жазолардан озод қилинмайди. Амнистияни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда қабул қилиниб, зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда уни қўллаш масаласи қўшимча ҳужжатлар олинган кунга қадар, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда чектирилади. Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги низомда қайда этилганидек, ўлим жазоси аёф этиш тартибидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар амнистия имкониятларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш масаласини судлар томонидан қўриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарт. Мазкур қарорнинг 1-модда «г» банди таъсир доирасига жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистонда бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари тушади. Фуқароликка мансублик эса миллий паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар, жумладан, тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муасасаларининг расмий тасдиқловчи ҳужжатларига биноан аниқланади. Амнистия таъсирига тушувчи шахсларнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, у улар доимий яшаб келган мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ аниқланади. Ҳақиқ савол туғилади: Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эл фуқаролари деб қандай фуқаро-

ларни айтиш мумкин?

Фақат жиноят содир қилгунга қадар доимий рўйхатдан ўтганлар ва ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси берилганлар мамлакатимизда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ҳисобланади. Тазкидлаш жоизки, амнистия тўғрисидаги қарорни ижро этиш органлар иш юритувида чет эл фуқароларига нисбатан ишлар бўлган тақдирда тегишли идораларга бу шахсларни мамлакатдан чиқариб юбориш зарурлиги ҳақида эътибор билан хабар қилишлари шарт.

Жиноят ишларининг суриштирув, тергов босқичида ва судда амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ тугатилиши шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос ҳисобланади. Бундай шахслар етказган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда қўришти тартибидан ҳал этилади.

Қарорнинг 3-бандида санаб ўтилган шахсларга нисбатан жиноят ишлари қаратқдан тугатилмайди. Уларни тергов қилиш ва судда қўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилиб, башарти шахс айбланаётган жиноий қилмишда айбдор деб топилса, суд ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 1-банди талабига асосан ҳукм чиқаради.

Қисқаси, амнистия тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир банди инсонпарварлик ва адолат тамойиллари билан уйғундир. Ҳар қандай қонун ёки қарорнинг ҳаётийлиги эса унинг ижросига боғлиқ. Ана шу талаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юқлатгани унутмайлик.

Иброҳим ЕРМУҲАММЕДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Амнистия эълон қилинди. Маҳбус озодликка чиқди. Оиласи, ёр-у биродарлари бағрига қайтган собиқ маҳбуснинг келажаги ҳақида энди ким қайғуради? Унинг яна жиноят содир этмаслиги, жамиятда ўз ўрнини топиб кетиши учун нима қилмоқ керак?

Уйга қайтиш фурқати етгач...

Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 6 декабрдаги қарори прокуратура органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Утган вақт ичида ушбу фармон ижроси юзасидан қўллаб ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг барча туман меҳнат бўлимларидаги ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудларига бириктирилган нозирлари томонидан собиқ маҳбусларнинг уларига бориб яшаш шароитини ўрганиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, иш билан таъминлаш бўйича махсус чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Маълумки, барча иллатлар каби жиноятчиликнинг сабаби ҳам бекорчиликдир. ЖИЭМдан озод этилганларнинг қайта жиноят содир этмаслиги ҳам улар ўртасида ишсизликнинг бартараф этилишига боғлиқ.

2006 йилнинг 1 январига Тошкент шаҳридаги 1934 та ташкилот ва корхоналар туман меҳнат бўлимларига бўш иш жойлари ҳақида маълумот тақдим қилган бўлиб, уларнинг 755 тасида 12.122 та бўш иш жойи мавжудлиги хабар қилинган.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга туман ҳокимларининг қарорларига асосан 534 та корхона ва ташкилотда ушбу тоифадаги фуқароларга 11.623 та иш жойининг энг кам миқдори бөлгандан бўлиб, шундан айнан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар учун 535 та иш ўрни ажратилган.

Бундан ташқари бош бошқармада ҳар ҳафтанинг жума кунлари туман меҳнат бўлими раҳбарининг ўринбосарлари иштирокида семинарлар ташкиллаштирилган. Уларда бошқа масалалар қатори ушбу шахсларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиб борилмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахсларнинг жамиятимизда ўз ўрнини топиб кетиши кўп жиҳатдан ижтимоий мослаштириш марказлари фаолиятига ҳам боғлиқ. Бирорта ишнинг бошини тутгунга қадар уларни қўллаб-қувватлаб туриш самарасини бермай қолмайди, албатта.

Мазкур йил Президентимизнинг ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталди. Уйлаймики, ижтимоий кўнмак марказлари амалга ошираётган тадбирлар ана шундай эзгу ишларга ҳисса бўлиб қўшилиди.

С. АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Егри во! адоғ! ҚИЛМИШИДАН ПУШАЙМОН БУЛДИ

Абдуқаном Ботиров ўша кун и ҳар галгидан кечроқ уйғонди. Кўрган тушининг таъбирини уйлари, яхшиликка бўлсин-да ишқилиб дея наридан-бери нонушта қилиб, бозорга отланди. Етиб келгач, ён-вериди савдо қилаётган шерикларининг жуда эрта келганини кўриб, ҳазиллашди.

— Бозор тушларингга кирдимми дейман?
— Ҳа энди, эрталабки савдо — савдо, кейингиси гавго дейишди эскилар.
— Майли-куя. Лекин эҳтиёт бўлиш керак, — гапга аралашди яна бирови.
— Унда биз кечроқ келдик. Савдонинг гавғоси бизга қолибди-да, — мийиғида калди Абдуқаном.
— Нима бўлгандами оғох бўлиш керак.
— Мен бемалол савдо қилаверман, пешонада борини кўрамиз, — деди-ю хаёлига бутунги туши келди.

Ақсия олиб шу кун Пахтакор тумани Солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари бозорда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 май кунги 154-ҳамда 2004 йил 15 январдаги 24-қарорлари ижросини текшираётган эди. Бундан хабар А.Ботиров харидор С.Одилова спирит сотаётганда кўлга тушди. Суриштирув чоғида унинг рўйхатдан ўтмасдан, спиритли ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасиз ишлаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, унинг йилдаги суммаси кўздан кечирилганда, Қозғистонда ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги спирит борлиги аниқланди.

Судда А.Ботиров айбига тўлиқ иқроқлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдирди. Унинг жинояти одилона ўрганилиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорнинг 5-бандига асосан қаратқдан тўқтатилади.

Клара ЁҚУБОВА,

Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



Биолабораториялар мавсумга шайми?

Пахтачиликдан хабардор инсон турли хашоратлар етказган зарар туфайли ҳосил камайишни яхши тушунади. Бу зараркуналларга қарши курашда салгина эътиборсизлик туфайли минглаб гектардаги ҳосил бой берилган ҳолатларни мисол сифатида келтириш мумкин. Шу кунларда бу йилги мавсум учун Сирдарё вилоят лабораторияларида биомаҳсулотларни жамғариш бошланган. Лекин вилоят прокуратураси ўтказган текширишлар соҳада қатор камчиликлар мавжудлиги сабабли жамғариш ишлари қонқарли эмаслигини кўрсатди.

Маълумки, кўсақ куртига, занг, вилт каби вирусли касалликларга қарши «Олтинкўз», «Трихо-

грамма», «Меҳлия», «Бракон» каби биомаҳсулотлар ишлатилмади. Улар вилоятдаги қатор туманларда ташкил этилган биолабораторияларда кўпайтирилиб, шартнома асосида фермер ҳўжаликларига етказиб берилди. Лекин текширишларда лабораторияларнинг ҳеч қайсиси 2006 йил учун фермер ҳўжаликлари билан шартнома тузмаганлиги аниқланди. Ўз навбатида фермер ҳўжаликларининг бу йилги харажатлари режасига биомаҳсулотларни харид қилиш кирмай қолган. Сирдарё туманидаги «Зербунисро ўғли Икром», «Аширғул момо», «Ҳосилов Б.» биолабораторияларида маҳсулотларни янгилаш, қишлоғга қўйиш кечикаяпти. «Шахринисо ўғли Акмал»

биолабораторияси таъмирланмаган, «Олтинкўз» маҳсулоти умуман мавжуд эмас, «Трихограмма» 46 грамм ўрнига 20 грамм, «Бракон» 35.000 дона ўрнига 2000 дона жамғарилган. Ана шундай масъулиятсизликка Мирзаобод, Сардоба, Гулистан, Сайхунобод туманларидagi 25 та лабораторияда ҳам йўл қўйилганлиги соҳада аҳвол ўта қонқарис эканлигидан далolat беради. Бу лабораториялар раҳбарларига нисбатан қонуний чоралар қўрилади. Лекин бу эртага миллионлаб сўм билан ўлчанадиган зарарнинг олдини олишга ёрдам берармикин?

Воҳид ЭРАЛИЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Суратда: Тошкент шаҳар прокуратураси Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Р.Ҳакимов ходимлари билан галдаги вазифаларни муҳокама қилишмоқда.

А.Тўраев олган сурат

Nazorat

Прокурор протести билан

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контрол органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу — прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Ислом ҚАРИМОВ

* МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА

Ҳаёт давом этмоқда. Кечагина янги йил таратдида юрган эдик. Январнинг ярими ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Эски йилнинг таассуротлари унутилгани йўқ. Бўлимимизга 2005 йилда келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилар эканмиз, ўтган йилги меҳнатимиз бесамар кетмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бунга қўлимиздаги миннатдорчилик хатлари мисол бўла олади.

— Хурматли Рашид Ҳамидович!
Шу ёшга кириб бирон ташкилотга шикоят ёзмаган эдим. Лекин бир ноҳақлик сизнинг номингизга ариза ёзишга мажбур қилди, — деб ёздади Тошкент шаҳрининг Усмон Юсупов кўчасидаги 101-уйда яшовчи Светлана Полежаева. — Зўравонлар автомашинани тортиб олиб, гаражимни бузиб ташлашди.

С.Полежаеванинг шикоятни прокуратура томонидан ўрганиб чиқилиб, аризаси ижобий ҳал қилинди.

Яқинда С.Полежаевадан Бош прокуратурага миннатдорчилик хати келди.

— Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдоримиз. У кишининг сайёҳаракати билан миғлаб юртодошларимиз ер эгаси бўлаётти. Мен ҳам ана шундай фермерлардан бириман. Кейинги пайтларда тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинаётган қатор фармон ва қарорлар бизларга қанот бўлмоқда, — деб ёздади Арнасой туманидаги «Олтин водий» аграхизматидан Ф.Пардаев Бош прокурор номига ёзган хатиди. — Фермерларга хизмат кўрсатадиган ёқилги қуйиш шаҳобчасининг айрим ходимлари уларнинг ҳуқуқларини поймол қилаётган эди, бу ҳақда туман прокуратурасига ёрдам сўраб ариза ёзгандик. Прокуратуранинг аралашувида сўнг ишлари ижобий ҳал қилинди. Айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бухоролик тadbиркор А.Исмоилованинг мурожаати ижобий ҳал этилди. Президентимизнинг «Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармонида «...2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тadbиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибидида кўрилади» дейилган. Лекин шунга қарамайдан айрим ташкилотлар тadbиркорнинг фаолиятига ноўрин аралашаверадди.

Бухоро шаҳрининг давлат санитария бўлими ходимлари тadbиркор А.Исмоилованинг фаолиятига асоссиз аралашиб, МЖТКнинг 53-моддаси билан ноҳақ жавобгарликка тормоқчи бўлишди. Прокуратура органларининг аралашувида сўнг санитария бўлимининг қарорига протест келтирилиб, ноқонуний буйруқ бекор қилинди.

Республика Бош прокуратураси почтасига ҳар кун кўплаб миннатдорчилик хатлари келади. Ниятимиз 2006 йилда ҳам ҳар бир фуқаронинг мурожаатини эътиборга олиб, қонуний ҳал қилиши. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли.

Ш.ҚАҲХОРОВ,

Республика Бош прокуратурасининг бўлим катта прокурори

Фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судига фуқаро Г.Поляков «Marvel juice со.» ОАЖ маъмурияти томонидан ноқонуний ишдан бўшатишга ҳусусида ёрдам сўраб мурожаат қилган. Шунингдек, даъвода мажбурий ишсиз юрган даври ва етказилган маънавий зарар учун пул ундириб бериш ҳам сўралган.

Суднинг 2005 йил 25 майдаги ҳал қилув қарори билан Г.Поляковнинг ОАЖга нисбатан даъвоси қисман қаноатлантирилган. Унга кўра жавобгардан даъвогар фойдасига 2004 йилнинг 21 декабридан 2005 йилнинг 2 февралигача қадар ишлаган вақти учун 431.150 сўм иш ҳақини ундириш белгиланган. Даъвонинг қолган қисми эса қаноатлантирилмаган.

шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида-ги (1998 йил 17 апрел) 12-қарорининг 15-бандига мувофиқ, қонунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган оғохлантириш муддати ўтмасдан ҳодимнинг розилигисиз меҳнат муносабатларини бекор қилиш ушбу меҳнат шартномасини тугатишни гайриқонуний деб топишга ва ҳодимнинг аввалги ишига тиклаш ҳақидаги талабни қаноатлантиришга асос бўлади.

Шунингдек, суд Г.Поляковнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини у меҳнат шариоитидан қониқмаганили-

Адолатга ишонч сақлаб қолинди

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанцияси ҳам биринчи инстанция судининг қарорига қўшилиб, уни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ақрим чиқаради.

Мазкур фуқаролик иши юзасидан чиқарилган суд қарорларининг эид деб топилиб, Тошкент шаҳар прокурори томонидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатига назорат тартибидида протест киритилди. Бунга қўлидаги жиҳатлар асос қилиб олинди.

2004 йил 21 декабр куни Г.Поляков «Marvel juice со.» ОАЖнинг Янгиқўрғон заводида кўриқлаш хизмати бошлиғи лавозимига ишга қабул қилинади ва шу кунгич ташкилот бош директори И.Хейн ва Г.Поляков ўртасида 2 ой иш муддати белгиланиб, меҳнат шартномаси тўзилади.

Бирок мазкур шартнома икки ойга ҳам етмай, 2005 йил 2 феврал куни бекор қилинади. Г.Поляков ишдан бўшатилади ва бунга унинг ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақидаги аризаси асос қилиб олинади (Меҳнат кодексининг 99-моддаси).

Бирок Г.Поляков судга берган мурожаатидида ишдан бўшатилиши меҳнат қонунчилигига эид эканлигини, ишдан бўшаш ҳақидаги аризани мажбуран ёзганини маълум қилди ва ишига қайта тиклашни сўрайди.

Биринчи инстанция суди ҳам, ишни апелляция тартибидида кўриб

чиққан шаҳар суди ҳам Меҳнат кодексининг 97-моддаси 1-бандига асосланиб, меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда иш берувчи ва Г.Поляков шунга келишган, томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишига норозилик билдирмаган деб топиб, даъвони тўлиқ қаноатлантирмаган. Бирок суд жавобгар томонидан меҳнат шартномаси келишувига асосан бекор қилинганини тасдиқловчи бирорта исбот тақдим этилмаганига эътибор қаратмаган.

Меҳнат кодексининг 87-моддасига кўра, дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафини уч кун олдин ёзма равишда оғохлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бу муддат ичида ҳодим ишдан бўшаш, яъни меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризасини қайтариб олиши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлади, шартномада синов муддати 2 ой қилиб белгиланган. Г.Поляковнинг ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақидаги аризаси 1 феврал санаси билан ёзилган, бўшаш муддати кўрсатилмаган. Лекин эртасигаёқ, яъни 2 февралда Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ унинг ишдан бўшгани ҳақида буйруқ чиқарилган. Бу мазкур кодекснинг 87-моддаси талаблари иш берувчи томонидан бузилганини кўрсатади.

Ўзбекистон Олий сўди пленумининг «Судлар томонидан меҳнат

ги, иш ҳақларининг ўз вақтида берилмаслиги сабабли ёзган деб топилди ва бунга ҳам унинг ишга қайта тиклаш ҳақидаги даъвосини қаноатлантирмамаслик учун бир асос қилиб келтиради. Ваҳоланки, бу ҳолат даъвонинг қаноатлантирмамаслига умуман асос бўлолмайди. Қолаверса, ҳодимга меҳнат қилиши учун етарли шароит яратиб бериш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш иш берувчининг қонуний бурчи ҳисобланади. Мазкур ҳолат даъвонинг асоссизлигини эмас, ақсинча, даъвогар ишдан бўшаш ҳақидаги ариза ёзишга мажбур бўлганлигини тасдиқловчи жиҳатдир.

Мазкур асосларга биноан киририлган протест қаноатлантирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қай даражада қонуний эканлигини янгидан текшириб ақрим чиқарди. Унга кўра Г.Поляков аввалги ишига тикланди. «Marvel juice со.» ОАЖ унинг мажбурий ишсиз юрган даври учун (2005 йилнинг 2 февралидан 25 ноябргача) 5.197.785 сўм, етказган маънавий зарар учун 530.000 сўм тўлаши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, яна бир фуқаронинг ҳуқуқлари тикланиб, ундаги адолатга бўлган ишонч сақлаб қолинди.

Санобар НИЁЗМТОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ҳўжалик структурини шакллантириш, ҳуқуқий асосини яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Натижанда хусусий сектор ривожланиб, фуқароларнинг тadbиркорлик билан шугулланишига, мулкдор бўлишга интилиши ортиб бормоқда.

1991 йилнинг 5 декабрида «АБК» кичик корхонаси ҳам давлат рўйхатидадан ўтгач, яна ичимликлар ишлаб чиқаришга астойдил бел боғлади. Ишлаб чиқаришни ривожлантира бориб, дастлаб Тошкент шаҳри, ақасекун бутун республика аҳолисини бундай ичимлик билан таъминлашга эришди. Ўтган давр мобайнида ҳуқуқиматимиз томонидан тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қарорлар тadbиркорлик субъектларини учун жуда катта имкониятлар берди. Хусусан, Вазирлар Мақамасининг 2002 йилнинг 13 ноябридаги «Бозорни истемол товарлари билан тўлдирини рағбатлантириш ҳақида ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тadbир-

лари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, микрофирма ва кичик корхоналик истемол товарларини ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоиз камайтирилган ҳолда тўлашлари белгиланди. Бу эса «АБК» корхонаси учун ҳам жуда катта қулайлик яратиб, бу имтиёз эвазига олинган даромадни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳодимларнинг моддий аҳволини кўтаринишга сарфлаш кўзланди.

Орадан бир йил ўтгач, ақирок 2003 йилнинг 31 мартига келиб Вазирлар Мақамаси юқоридидаги ҳужжатга ўзгариш киритиш тўғрисида қарор қабул қилиб, имтиёзли тоифага киратилган истемол товарлари рўйхатини белгилаб қўйди. «АБК» корхонаси ишлаб чиқараётган товарлар Вазирлар Мақамасининг мазкур қарориди

Имкониятнинг қонуний қайролаги

қайд этилмаганлиги боис, корхона маъмурияти мазкур қарорни унга нисбатан солиқ инспекциясига мурожаат этади. Бирок, инспекция мурожаатни қаноатлантиришни рад этиб, 2003 йил яқуни бўйича 53.955.500 сўм миқдоридидаги солиқни давлат ҳисобига ундиради.

Вазиятнинг бундай ўзгариб келишини кутмаган корхона маъмурияти «Тadbиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 2-қисми талабига мувофиқ ҳўжалик судига мурожаат этиб, даъвонинг қаноатлантиришга эришади. Бирок, қасасия инстанцияси суди иш материаллари билан танишиб чиққач, юқоридида тилга олинган ҳуқуқат қароридидаги имтиёзлар даъво-

гарга татбиқ қилинмаслигини белгилаб, суд қарорини бекор қилади.

Иш ҳолатлари Бош прокуратура томонидан ўрганиб чиқилганида суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юбориш лозимлиги аниқланади. Жумладан, Вазирлар Мақамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги қарори билан истемол тошларни ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоиз камайтирилган ҳолда тўлаш имтиёзининг яна ичимликлар ишлаб чиқарувчи «АБК» корхонасига қўлланилмаслигига Вазирлар Мақамасининг 164-қарори билан аниқли киритилиши тadbиркорлик субъекти учун бирмунча қулай шароит юзага келтириш ҳисоб-

ланади. Бинобарин, «Тadbиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 2-қисмида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тadbиркорлик субъектлари учун бирмунча қулай шароитни юзага келтирадиган ўзгаришлар кунга киргунга қадар амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилиши белгиланган. Ушбу нормага кўра имтиёзли солиқ, ставкаси «АБК» корхонасига нисбатан ҳам татбиқ этилиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, Республика Бош прокуратураси назорат тартибидида келтирилган протестига асосан Олий ҳўжалик суди раёсатининг қарори билан қўйи суд қарорларини бекор қилиниб, С. Раҳимов туман солиқ инспекцияси жағфармасидан «АБК» корхонаси фойдасига 53.955.500 сўм миқдоридидаги маблағни ундириш белгиланди.

А.ҚДИРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

↓ 2006 - yil — Homiyat va shifokorlar yili

ҲАМ ҲОМИЙ, ҲАМ ШИФОКОР

Гурлан туманининг Эшимжирон кишлоғида ҳўмард, ҳиммати билан инсонлар қўллаб топилади. Шулардан бири Эриммат Содиковдир. Президентимиз Ислам Каримов 2003 йил 2 декабрда Хоразм вилоятига «Жалолидин Мангуберди» орденини топишириш маросимидаги нуқтада у кишининг номини ҳам фахр билан тилга олиб, жумладан шундай деган эди: «Уз ҳисобидан замонавий мактаблар, қасалхона ва гузарлар барпо этишдек хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган хоразмлик барча инсонларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман. Шулар қаторида Гурлан туманидан Эриммат ва Эриммат Содиковларга, Қўшқўпир туманидан Нуриддин Нуррашев, Шовот туманидан Бозорбой Окмонов каби қўллаб тадбиркор ва ишбилармонларга ўмингиздан барака топинг, кам бўлмаг дейми!».

Дарҳақиқат, Эриммат ака бундай ал-қовларга муносиб инсон. Унинг асли касби шифокор. Тиббиёт сирларини пухта эгаллаган, медицина фанлари номзоди. Тадбиркорлики бошладан аввал Дўсимбий худудий шифохонасида, Гурлан туман стоматология поликлиникасида бош врач бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик Урганч давлат университетининг иқтисодиёт факултетида тахсил олди. Қишлоқ ҳўжалигининг етук мутахассиси бўлиб етишди. Бир умр ўқиб-изланишни ўзига бурч дея ҳисоблайдиган бу маърифатли инсоннинг ажодлари Хоразмда таниқли шахслар бўлган. Бобоқалон Сўфий 19-асрнинг охири — 20-асрнинг бошларида яшаб ўтган истеъдодли шоир бўлиб билан бирга Хива хонлигида таълим ислохотини амалга оширишга ҳисса қўшган фидойи шахслардан бўлган.

Эриммат аканинг қиблагоҳи Содик махсум ҳазратларини эса эл-улус ҳамisha ифтихор билан тилга олади. Тарих, масала айтишда диниатли, зуққо бу одамнинг олдида киши ип эшолмас экан, ҳатто «Древний Хорезм» китобини яратиш даврида академик Сергей Толстов, «Хоразмнинг сўғорилиш тарихи» асарини ёзаётган Яхё Фуломов, шунингдек туркманистонлик, қорақалпоғистонлик туркушоно олимлар келиб, ҳафта-ойлаб кулбасида тунаб Содик махсумнинг сўхбатини олган эканлар. Қовун қовундан ранг олар деганларидек, бобонинг фарзандлари ҳам маърифатли бўлиб камолга етди. Истиклол яратган имкониятлардан фойдаланиб махсум буванинг ўғиллари «Содик махсум ўғиллари» ҳамда «Ганж» деб номланган фирмалар ташкил қилдилар. Меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик туфайли бу фирмалар равнақ топди. Оға-ини Содиковлар толган даромадларини дангиллама уйлар қуришга, дабдабали тўйлар қилиб, чет эл машиналарини миншарга сарф қилмадилар. Эриммат аканинг ташаббус билан ака-укалар маблагларини қишлоқда маданий иншоотларнинг яратилиши, таъмирланиши, элдошларининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга сарфлай бошладилар. Эриммат, Эриммат ва Дўсиммат Содиковлар ўз маблаглари ҳисобидан қишлоқда врачлик пункти, мактаб ва болалар бoғчаси қуриб беришди. Беруний, Шароф Рашидов, Усмон Носир номли мактаб бинолари уларнинг кўмағида тўлиқ таъмирланиб, 16.000.000 сўмлик ўқув анжомлари билан таъминланди.

Дарвоқе, Эриммат Содиковнинг ташаббуси ва ҳомийлигида қишлоқ худудига 2 километрлик сув қувури, 5 километрлик газ қувури ётқизилди. Ҳар бири бир кунда 80 нафар беморни қабул қиладиган 2 та амбулатория қуриб берилди. 90 ўринли болалар бoғчаси таъмирдан чиқарилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўларoқ эски жамоа ҳўжалиги негизидаги ширкат ҳўжаликлари тугатила бошлади. Уларнинг ўрнига бошқарув ва ишлаб чиқариш структураси тўқдан янгича бўлган деҳқон-фермер ҳўжаликлари вужудга келди.

Маълумки, ҳар бир фермер — ўзи раҳбар, ўзи уста деҳқон. Унинг тепасида буйруқчи ёшулли белига қўлини тираб туриши зарур эмас. Шундай экан, ширкат ҳўжаликларининг ҳайҳотдай маъмурий бинолари эндиликда деҳқон-фермер уюшмалари учун ортқча ҳисобланади. Негаки, мажкур уюшманинг бошқарув тарихи қисқарган бўлиб, улар асосан МТПларда иш олиб боради. Очигини айтганда, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси учун дангиллама маҳкамалар керак ҳам эмас. Чунки бу соҳа одами тўрт девор орасида ўтираверса, даланинг ҳоли не кечади? Буни чўқур англаб етган Э.Содиков «Амударё» ширкат ҳўжалигининг идорасини қайта таъмирлатиб, спортга қизиқувчи ёшларга топширди. Ҳозир бу ерда ёшлар учун спортнинг бир нечта тури бўйича секциялар ишлаб турибди.

— Эшимжирон катта қишлоқ. Унинг остонаси Гурлан туман марказидан бошланса, адоғи Амударё қирғоқларида тўхтайдди. Шу қишлоқнинг бир парчаси бўлган бизнинг «Каттаарик» маҳалламизда Эриммат оға Беруний номли мактабга 2 қаватли ўқув биноси қурдириб, 160 та парта, 370 та курси ва 1 та компьютер совға қилди, — дейди маҳалла фаолларидан Мадамин Холматов.

— Мен «Каттаарик» врачлик пунктида катта ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди Муассар Фарходова. — 2002 йилнинг 1 сентябрида Э.Содиков ушбу пунктни қуриб битказиб, фойдаланишга топширди. Роса хурсанд бўлди. Қўллаб ёшлар учун иш ўринлари очилди бу эҳсон туфайли. Ҳозир шу ерда меҳнат қилиб, «Соғломлаштириш» дастурининг грантларини олмақдамиз.

Туман марказига ташириб буюрган киши «Содик махсум» хусусий поликлиникасининг кўркам биносини қуриб, кўзи қувнаши табиий. Хизмат ҳақининг арзонлиги, мутахассис шифокорларнинг чўқур билимга эга эканлиги боис беморлар бу ерга кўпроқ муружат қилишаркан. Бу ерда сансалорлик, отанга бор-онанга бор қабилида иш тутиш мутлақо йўқлиги боис одамлар хурсанд.

— Шундай поликлиникани ташкил этган махсум буванинг болаларига минг тасанно, — дейди тарихшун Умид Бекимметов. — Албатта, Эриммат оға ва унинг иниларига ўшшаган инсонлар истиқлол кашф қилган фидойи сиймолар қаторида вилотимиз тарихида залвор-қасифаларни эгаллайдилар.

Ҳа, элпарвар инсонлар машҳурликка интилмайдилар. Балки машҳурликнинг ўзи уларни излаб топиб, эъзо сахнига кўтариб қўяди. Э.Содиков ҳам қилаётган эҳсонлари борасида сўрайверсангиз, зарда қиладиганлар тоифасидан.

— Яхшиликни реклама учун эмас, одамларнинг кўнглини олиш, яратган эганининг розилигига эришиш учун қиладилар, — дейди у киши.

Ҳақ гап. Истагимиз шуки, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да яхшилик қилиб, халқнинг қалбидан эъзозли сиймо бўлиб ўрин эгаллайдиган элдошларимиз кўпаяверсин.

Эрнўлат БАХТ

Инсон умрини мазмунли ўтказиши учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши даркор. Бунинг учун эса илм олиши, хунар эгаллаши лозим. Зеро, дунёда илмдан қудратлироқ куч йўқ. Илм зиёси сари интилган, ҳажон маданиятининг равнақи йўлида олам ичрадонг таратган Рудакий, Исмоил Бухорий, Мотурудий, Навоий, Жомий, Улуғбекларнинг ҳаёт йўли фикримизга ёрқин мисолдир.

Болаликда олинган билим тошга ўйилган нақш каби ўчмас бўлиб қолади дейишади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, хусусан, мактаб таълимини тўдан ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Ўзбекистон Президентининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Аввало шуни айтиш керакки, Самарқанд вилоят таълим муассасаларида услубий хизмат қўрсатиш ахволи тахлилга муҳтож эканлиги сезилиб қолаётган эди. Янги дастурни татбиқ этиш жараёнида эса таълим тизимининг ҳамма йўналишларини тўғри ташкил этишга доир кўрсатмалар аниқ белгилаб берилган. Бу ўз-ўзидан тизимда ислохотларнинг янада жадал олиб бори-

шундай китобларни харид қилиши учун 47.342.000 сўмлик маблаг йиғилди.

Дастурни амалга ошириш бўйича вилотимизда 2004—2005 йиллари 35 та мактаб биноси янгидан қуриладиган, 268 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинадиган, 287 та мактаб биноси капитал ҳамда 317 таси жорий таъмирланадиган бўлди. Бунинг учун 8.606.800.000 сўм ажратилган бир шароитда олдимизда барча таълим муассасаларини имкон қадар янги жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси ҳам турарди. Ҳозирга келиб вилотда 417 та компьютер синфи мавжуд бўлиб, уларнинг 146 тасидагилар замонавий техникалардир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005—2009 йилларда умумтаълим мактабларини меҳел, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида ҳозирнинг ўзидаёқ 6858 та парта, 543 та доска, 653 комплект ўқитувчи стол-стули, 70 комплект лингафон хонаси, 92 комплект компьютер синфи, 59 комплект спорт зали учун жиҳозлар, 127 комплект физика, химия, биология синфлари учун жиҳозлар харид қилинди.

Билимнинг борлиқ чароғон



Шоҳида НЕМАТОВА,
Самарқанд вилоят халқ таълими
бошқармаси бошлиғининг
биринчи ўринбосари

лишини таъминлаётир.

Вилот миқёсида 23 та фан бўйича 309 та услубий таянч мактаблар ташкил қилинди. Ушбу мактаб жамоаларининг кучи билан фан кабинетлари жиҳозланди, моддий асоси бойитилди. Ҳар ойда белгиланган режа асосида таянч мактабларида намунали очик дarsлар ва кўргазмали семинарлар уюштирилиши билан бирга, ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Аммо янги педагогик технологияларни кенг жорий этишда бундай тадбирларнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун ҳар бир муассаса раҳбари, ўқитувчи қатъийлик билан иш олиб бориши лозим. Биринчи навбатда раҳбарнинг ўзи ушбу жараённинг тарғибчисига айланиши керак.

Шу ўринда таълим муассасаларидаги барча ўқитувчи ва мураббийларни ўқувчиларга давлат таълим стандартлари асосида пухта билим беришга ундовчи яна қатор йўналишларни синаб кўра бошладик. Ёшларимизни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошираётган педагогларни аниқлашга қаратилган «Йил ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши кутубхоначиси» каби қўриқ-танловлар ҳар йили ўтказилаётир. Бундан ташқари «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» ҳамда «Худуди энг кўркам таълим муассасаси» сингари танловлар ҳар бир жамоани ўз устида ишлашга ундайди. Шунинг зорда тутиб, мактаб кутубхоналарини бадий, илмий-оммабоп, услубий адабиётлар билан тўлдириш чораларини излаяпмиз. Шу мақсадда шаҳар ҳамда туман мактабларида «Мактаб — кутубхона» — оила — жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирлари ўтказилди. Уларни ташкил этишда ҳомийлар, ота-оналар, маҳаллалар жамоаси ташаббус кўрсатишган эди. Бунинг натижасида таълим муассасаларининг кутубхона фонди учун 2000—2005 йилларда нашр этилган 10.125 дон лотин ёзувидаги китоблар тўхта қилинди. Яна

Мамла-

катимизда инсон, унинг ҳақ-ҳўқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Шуларни назарда тутган ҳолда ҳар бир мактабнинг ўз «хўқуқ синфи» бўлишига ҳам эриша бошладик. Уларни жиҳозлашда бизга вилот прокуратураси органлари ёрдам берапти.

Очигини айтишда бўлсақ, ҳали ҳўқуқий таъ-

лим борасида болалар дунёқарашига яқин қўллан-

маларни етарли деб бўлмайди. Шунинг учун ҳар

йили «Нуқуқ» газетасида чоп этилаётган мақо-

лалар ишимизни бир қадар осонлаштириб ке-

лаётир. Бу йил ҳам вилотимизда «Нуқуқ»га

обуна бўлмаган бирорта мактаб ва бошқа таъ-

лим муассасаси қолгани йўқ.

Матбуот ҳақ сўзи минбари бўлмоғи керак.

Аммо баъзан бунинг акси бўлапти. Биргина

«Advokat-Press» газетасининг 2005 йилги 3-со-

нида чоп этилган «Лавозимига нолий қопилди-

лар» сарлавҳали, пухта ўрганилмай, орқаварот-

дан ёзилган бир мақола туфайли қанча кўнгли-

сизликлар юзга келганини тасаввур қилсангиз

эди... Булунғур тумани халқ таълими мудирининг

ўринбосари лавозимиде ишлаб келган Холма-

мат Абдуллаев ўқитувчилар сулоласининг фаол

давомчиларидан. Мақолада Вазирлар Маҳкамаси

қарорига асосан ўтказилган аттестация нати-

жаларига асосис шарҳ берилган. Аттестация

дан ўтолмай қолган бир гуруҳ директорларнинг

гаплари матбуот саҳифасига олиб чиқилган. Гўё

Х.Абдуллаев айрим директорлардан аттестация

учун пул йиғиб олган эмиш. Бошқа бирор дил

ва исбот қайд этилмаган. Хайриятки, 2005 йил

19 октябр кўни фуқаролик ишлари бўйича

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суд-

дининг ҳал қилув қарори билан адолат тантана

қилди. «Advokat-Press» газетаси ҳақиқатга тўғри

келмайдиган, шахсининг шаъни ва қадр-қимма-

тига доғ туширувчи мақоласи

учун рағдига берадиган бўлди.

Даъвогар Х.Абдуллаев фойда-

сига эса маънавий зарар тари-

қасида журналист Дилмурод

Сайиддан 100.000 сўм, тахри-

ратдан эса 250.000 сўм унди-

рилди.

Фикрим шуки, иш бор жойда

камчиликлар ҳам бўлади. Аммо

бу нуқсонлар юзга айтилса ал-

батта фойдадан холи бўлмайди.

Кириб келган янги йилмиш гар-

чанд «Ҳомийлар ва шифокорлар

йили» деб аталган бўлса-да,

халқ таълими соҳаси ҳам дав-

латимизнинг доимий этибори-

да бўлиб қолаверадди. Ёш авлод

тарбияси ҳеч кимни лoқайд қол-

дирмаслигига ишонаман.



Hukm o'qildi

— Танишиб чиқиб, қўл қўйинг! Шахнозахон гувоҳ сифатида бир неча марта келиб, терговчининг сўроқларига батафсил жавоб қайтарган эди. Ўзига нисбатан айб эълон қилинаётгани тўғрисидаги қарорни ўқиб, имзо чекишдан бош тортиди.

— Яна қайтариб айтаман, кредит комиссиясига бу ҳужжатларни мен тайёрлаганим йўқ. Қўл остимдаги ходимлар қонунни бузишган бўлса, ўзлари жавоб беришади.

— Шериксиз, шерик сифатида қамаласиз!

— Адвокат иштирокида гаплашаман! — деди Шахноза.

— Еганингни қусасан ҳали!

У терговчининг олдида кўнгли хира бўлиб қикди. Айниқса, «қочиб юрган бошлиғинг Қорабоевга қўшиб қаматораман» деган пўписаси юрагини така-пука қилди. Қилмаган ишларини тиркаб, беайб қаматворишдан тоймайди. Қамата олмаса-да, судланган деган тамгани мангалайга ёпиштириб қўйса, ишдан кетади...

Бир неча кун ўтгач, уни энди терговчи Илс Умрзоқов чақиртирди. Айбланувчи сифатида сўроқ қилди. Бу гал ҳам Шахноза сўроқ баённомасига имзо чекишдан бош тортиди. Унинг боши узра қора булутлар қуюқлашмоқда эди. Шахноза Ортиқова Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими, «Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш ва кредитлаш» бўлими бошлиғи лавозимида ишлар, банкдан қарз олиб, мақсадсиз сарфлаб ўзлаштириб юборган, кредитни қайтармаган корхона, фермер хўжалиги раҳбарларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши терговидеа банк бошқарувчиси, бир неча ходимлар ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган, уни гувоҳ сифатида сўроқ қила бошлаш-

ганди. Ушбу жиноят иши билан ИИБ тергов бош бошқармаси катта терговчиси Қурбонмурод Хўжанов бошчилигидаги тергов гуруҳи шуғулланаётган эди. Гуруҳ раҳбари 1983 йили ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетини битириб, ИИБ идораларида турли лавозимларда хизмат қилган, 2000 йилдан Тергов бош бошқармасида ишларди. 2005 йил мартда ушбу тергов гуруҳига раҳбар этиб тайинланганди.

Адвокат иштирокида сўроқ қилишларини талаб қилган Шахнозани унинг ўзи яна чақиртирди. Кўпни кўрган,

бонмурод қурбоннинг кўзларига маънодор тик қилди. Аслида тўпланган иш материаллари бўйича унга нисбатан жиноят иши қўзғатишга асос йўқ эди. Бироқ банкнинг асосий, пул қайнаган бўлимида ишлаб, назарида йириккина сармоя орттиришга улгурган лаққа балиқча нисбатан айб эълон қилса, юрагига гул-гула солиб, «нақди»ни ўз қўли билан келтириб берадиган даражада пиширса, берадигани олганидан



Ўзининг «тўзоғи»га тушган терговчи

одамларни баҳолашда адашмайдиган гуруҳ раҳбари бир қарашдаёқ ўзича ёлғиз келган аёлнинг попуғи пасайиб қолганлигини қайд этди.

— Юристлар оиласиданман, номимга доғ тушишини истамайман, олдимга катта мақсадлар қўйганман, — деди Шахноза.

— Ишингизни судга оширсам, келагингизга пугур этади, — деди Қурбонмурод унга ён бошган қиёфада. — Мен ҳам сизга енгил бўлсин, деялман. Ишингиз сизга алоқадор томонини ёпворсам, дейман. Лекин бу жуда қийин. Ўзимга гап тегиб қолиши мумкин, — Кур-

сўнг, пўписаси учун ёзган қозғоларни иш материаллари орасидан чиқариб олиб, йиртиб ташласа, биров мушугини пишт деярмиди?!

— Менинг айбим йўқ, — деди Шахноза. — Ўзларининг айбини менга тўнкаётган бўлиши мумкин... Ҳал қилиб берсангиз...

— Айтаяпман-ку, тўғрилайман, лекин озгина харажати бор...

— Майли...

— Кўйдан ўн минг берасиз!

— Буна пулим йўқ!

— Тағин ўйлаб кўринг!

Орадан бир кун ўтиб, Шахноза Қ.Хўжановга учради. Уни икки ярим мингга кўндирди. Уларнинг гапи

охирига етмай, хонага вилоят ИИБ тергов бўлимида терговчи бўлиб ишловчи Жамилаxon Рустамова кирди.

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, Шоҳида опани қизисиз-а, — деди Шахноза билан сўрашиб.

— Таниш экансизлар, — деди Қурбонмурод, — менинг ишим кўп. Шахнозахон билан озгина олди-бердимиз бор. Сизга бериб қўйса, кейин мен сиздан оларман!

— Бўпти!...

Шахноза Жамилаxon билан учрашадиган вақтни келишиб олди. Эртаси кун кечки беш яримда Шахноза унинг уйига қўнғирок қил-

ди. — Чорраҳада кутаман, — деди Жамилаxon.

У Фарғона шаҳрининг Тўқимачилар корхонаси ёнида, вилоят ИИБ кўриқлаш бўлимида биноси билан ёнма-ён жойлашган уйининг олдида Шахнозадан 2500 долларни олганида қўлга тушди. Ж.Рустамова бу пулнинг пора эканлигиндан беҳабарлиги, буни ҳозир тушуниб етгани, жиноятчи ушлаш тадбирида қатнашишга тайёрлигини билдириб ариза ёзди. Шу пайт квартирасидаги телефон жиринглади.

— Нима гап, уйга энди кирдингизми? — деб сўради Қурбонмурод.

— Ҳа, Шахноза ҳалиги нарсани ташлаб кетди...

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, Қурбонмурод яна телефон қилди. — Шахноза берган нарсани паства олиб тушинг, мен ҳозир етиб бораман, — деди.

Жамилаxon келишидан жойда унга кўзга кўринмас «пора» белгиси қўйилган пулни бериб, уйига кириб кетди. Қурбонмурод ўзи келган «Тикко» такси машинасига ўтираётганида, холислар иштирокида МХХ вилоят бошқармаси, вилоят прокуратураси ходимларидан иборат тежор-тергов гуруҳи томонидан зиндон устида ушланди. Таъмағирлик қилиб, Миллий банк вилоят бўлимида ишловчи аёлга ўзи қўзғатган сохта жиноят ишини тугатиш эвазига 2500 АҚШ доллари миқдорда пора талаб қилиб олган ИИБ тергов бош бошқармасининг собиқ катта терговчиси Қ.Хўжановга суд порахўрлик «дард»идан фориг бўлиш учун етарли муддатга озодликдан маҳрум этиши жазосини тайинлади.

Н.СУЛАЙМОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

↓ Jinoyat va jazo



Қалбаки пул иштироқчилари

Суднинг қора курсисига беш киши ўтирибди. Эндигина 23-24 баҳорни қаршилаган бу навқирон йигитларни кўрган киши сира жиноятчи деб ўйламайди. Афсуски, улар мамлакатимиз иқтисодиётига зарар етказиши мумкин бўлган жиноятга қўл уришган. Шунинг учун тегишли жазосини олишди.

Воқеа бундай бўлган. Жарқўрғон қурилиш ва гидротехника касб-ҳунар коллежиди компьютер оператори вазифасида ишлаб келган Анвар Сафаров ўтган йилнинг ёзида ўқувчиларни Шеробод туманида жойлашган «Шалқон» дам олиш масканига олиб борганда ўткир Бердиназаров билан танишиб, дўстлашиб қолади. Ўткир Шерободда яшаса ҳам Жарқўрғонда туғилганлиги, яқин қариндошлари шу ерда яшаши боис ота юртига бориб турарди.

Шу-шу, у Анварнинг олдида тез-тез бори, компьютерда мусика эшитиб, ўзича ҳордик чикарадиган бўлди. Кунларнинг биринида ўткир Анварнинг хонасида турган видеопроекторни кўриб, «Дўстим, шунга менга бериб тур, бу билан кино қўйиб, сенга ҳам ойна ўн минг сўмдан бериб тураман», — деди. Бу гап Анварга ҳам хуш ёқди чорги, видеопроекторни ўртоғига бериб юборди.

Ўткир у билан болаларга кино қўйиб, пул ишлаб юради. Бир кун ўткирдан таниши Алишер Эржаев видеопроекторни қаердан

қолади. У компьютер оператори бўлиб ишлайдиган Анвар исмли танишидан олганлигини айтади. Бу жавобдан кейин Алишер ўткирни бир чеккага бошлаб, «Сен жўранг билан гаплла. У компьютерда пул ясай оладимий-йўқми? Шунга менга билиб бер», дейди.

Ўткир бу гапни тезда Анварга етказди. Анвар: «Мен ўзи яқинда ишга келганман. Компютерни ҳали яхши билмайман. Қолаверса, рангли принтерим ҳам йўқ. Уни фақат Тошкентдан топса бўлади. 70 минг сўм пул бўлса, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтинида ишлайдиган танишим Алламурод ака олиб келиб беради», дейди.

Шунданг сўнг Анвар Алишер билан ҳам танишиб олади. Алишер рангли принтер сотиб олиш учун ўткир орқали Анварга аввалига 30 минг сўм, кейинроқ яна 25 минг сўм бериб юборади. Анвар ҳам фурсатни бой бермай ўзидан пул қўйиб, 70 минг сўмини Алламурод Бекқуловга олиб бориб беради. Орадан кўп ўтмай А.Бекқулов ҳам нимага кераклигини сўраб-суриштирмасдан рангли принтерни Анварнинг хонасига ўрнатиб бе-

риб кетади.

Анвар бу гап-сўзлардан яқин дўсти Фахриддин Тўлагановни ҳам хабардор қилади. Ҳеч қаерда ишламай юрган Фахриддин учун бу хушхабар айни муддао эди. У ҳам ҳеч иккиланмасдан тўдага қўйилади. Ниҳоят жинойи шериклар 2000 йилнинг октябр ойи охирларидан декабр ойи бошларигача 710 донна минг сўмлик купораларни ясашади. Уларни аввалига Фахриддиннинг уйига олиб келишади, кейин ўтказиш учун Алишерга беришади. У пулларни қассобларга ёки Тожикистондан келган бозорчиларга ўтказмоқчи бўлади.

Қалтис ишининг оқибати яхши бўлмаслигини ҳис қилган Анвар билан Фахриддин Алишерга: «Бу туришда бир кунмас-бир кун қўлга тушиб, қамалиб кетамиз. Энди сохта пул тайёрламаймиз», дейишади. Алишер эса: «Менинг Термизда органда ишлайдиган танишларим бор. Мабодо қўлга тушиб қолсақ ҳам гап еманлар, ўзим текислайман», деб уларни тинчлантиради. «Менга яна 200 минг сўм тайёрлаб берасизлар. Бўлмаса органда ишлайдиган танишларимга айтиб, қаматиб юбораман», дея пўписаси ҳам қилади. Охири муроасага келишади. Алишер учун 167 донна минг сўмлик пул тайёрлашади. Бу гал қалбаки пуллар яхши чикмайди. Бундан хавотирга тушган Анвар уларни Фахриддинга бериб, уйига олиб бориб ёқиб юборишни тайинлайди. Бироқ бу гап Фахриддиннинг қулоғига кирмайди. Аксинча 2004 йил 4 декабр кун Анварнинг ёнига келиб, «Яхши клиент тоғдим. Кўпроқ пул

чиқариб бер», дея оёқ тираб олади. Бу «клиент»лар эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари эди. Буни нафса бандалари фақат қўлларига кишан солинганидан сўнг билишди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Осонгина бойиб кетиш илинжида бўлган бу кимсалар қилмишларига яраша жазоланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Энди савол туғилади. Бевосита иш билан шуғулланган жиноятчилар-ку тегишли жазосини олишибди. Аммо Мараимов Азиз билан Бердиназаров Ўткир қайси айби учун жазоланишди?

Гап шундаки, Азиз Алишердан 150 минг сўм қарз олиб, унинг 100 минг сўмини «Сурхон» фермерлар уюшмаси марказида яшовчи таниши Саидова Саидага бериб юборади. Орадан икки кун ўтиб бу пуллар сохта эканлигини билиб қолади ва ўзидаги 50 минг сўмни ёқиб юборади. Лекин ушбу жиноят ҳақида тегишли жойларга хабар бермайди. Ўткир ҳам воқеалардан тўлиқ хабардор бўлса-да, тилини тиллаб юради. Нафс домки илинган бу шахсларнинг қилмиши ҳақидаги ўз вақтида фож этилди.

Мамлакатимизда бир-биридан муҳташам коллежлар қурилмоқда, замонавий компьютер ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланаётир. Баъзилар эса ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ўрнига бундан фарзали мақсад йўлида фойдаланганлиги гоят ачинарлидир.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ниқуқ» муҳбири



«Билард шарчаларини тасаввур қил, уни кий билан туртишин билан ҳаммаси тиркираб кетади. Сен мўлжалга олган шарнинг бундан кейинги ҳаракати бошқа шарларга, стол деворларига туртилиш ва урилишларсиз амалга ошмайди. Инсоннинг умр йўлини ҳам тақдир зарбаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳаётингдаги зарбалар ва туртилишлар сени ўзин кутмаган жойларга йўллашига ишонавер...».

(Мулло Иосифнинг Графга насихатидан)

Тақдир зарбалари

(Охири. Боши аввалги сонларда).
Биз тор кўчалардан маҳаллага кириб кетдик. Бир жойга етганда машинанинг номерини кўйиб олдик. Шунда келишганимиздек биринчи чойхонада бизни кутиб турган Каримга машинани топширдик. У кўздан панада атайин қолдирилганди. Бунинг устига машина ўзинг номида бўлиб, харидорнинг тўполони билан машинамиз милицияга туша ҳам у Каримни танимасди. Биз такси тутиб, турли йўллар билан шаҳардан чиқиб кетдик. Кечаси Жиззахдаги ўзимиз йўғилладиган «Кўкча» чойхонасида учрашадиган бўлдик. Эсон-омон учрашганимизда ҳаммаси муваффақиятли ўтганини билдик. Пулни ҳар доимгидек арра қилдик. Энди ўлжани ювиш лозим эди. Мен эртага Зоминга бориб шаршарада дам олишни таклиф қилдим. Лекин излар сал босилгунча учрашмаслик таклифи чиқди. Орадан уч кун ўтгач, йўлга чиқдик. Вали наркотикдан тортиб турарди. Мен бундан норози эдим. У эса менинг жириллашимга жавобан: «Сен бунинг лаззатини билмайсан-да», — деб кўярди. Мана, ҳозир ҳам Карим ёрдамида билалга укол олди. Даштобоғга етгач, Зомин томонга қайрилдик. Шунда Валининг бир чиройли қизга кўзи тушиб қолди. У биздан уч-тўрт ёш катта бўлганини учун аёллар масаласида тажрибаси бор эди.

— Анави қўшчани қара!
Киз ҳақиқатан ҳам ҳурлиқо эди. Тим қора сочлари шамолда хилпирар, қамон қўшлари остида катта-катта кўзлари машина туғиш илин-жида йўлга термулиб турарди. Олпоқ юзларига қараган киши маҳлули бўлмасдан қолмасди. Валида янги режа туғилди. Атайин қилгандек қиз ҳам қўлини кўтариб машинамизни тўхтатса бўладими? Лекин бизни кўриб чўчиди шекилли, дарров яна йўлдан бошқа машина туғишга уринди. Лекин Вали мойини гаплари билан уни ўзига қаратиб олди. Валининг бунақа оҳангда гапирганини биринчи марта кўришим эди. Қиз Зоминнинг дашт қиллоғидан экан. Биз ҳам худди шу қиллоқдан ўтишимизни таъкидладик. Қизга омади келганини ўқтирдик. У ҳам хурсанд бўлди. Режа ўзарига, машина дашт томонга бурилди. Қизнинг қиллоғига борадиган йўл кимсасиз яйловлар орқали ўтишини билардик. Кун кеч бўлиб қолгач, гира-ширада машина «бузилиб» тўхтади. Уни базур четга олдик. Карим машинанинг радиатори «қайнаб» кетганини айтди:

ОДАМЛАРДЕК ЯШАШ МУМКИНИМИ?

Уч ойча Вали билан учрашмадик. Уйга келсам отам қаттиқ бегоб экан. Бу менга ёмон таъсир қилди. Наҳотки умрим шу тахлит бенаф ўтаверса? Фарзанд бўлиб отамдан бирон марта ҳол-аҳвол сўрамабман ҳам. Бир ҳафта ўтгач, отам тўшақдан туролмайдиغان аҳволга келди. Кечаси Эркин ёнимда қолди. Бу пайтда келиш у ҳам, мен ҳам йигирмага «чиққан бўз йилгига айлангандик. Ярим кечанда отамнинг дарди очирлашди.

— Кўзингни очиб яша, болам, кейин кеч бўлади...—отамнинг охириги гаплари шу бўлди. Эртасига уни ерга қўйдик. Мен дунёдаги бирдан-бир яқин одамимдан ҳам жудо бўлгандим. Энди ҳеч ким менга дала бўлолмаслиги анж эди. Буткул тушкулликка тушдим. Қўлмишларимни хали ҳеч ким билмасди. Хар дами-қада мени қамоққа олиб кетишлари мумкин эди. Ўзимга ўзим одамлардек яшагач қасам ичдим. Эркин билан ушунлар даррлаша бошладим. Отамнинг маъракаларини ўтказгач, бир-икки ой ўтиб толган-тутганимнинг бир қисмига «Тико» сотиб олиб, таксичилик қила бошладим. Кутулмаган хабар мени чўчйтиб юборди. Вали кўлга тушибди. Зоминдаги қиз масаласи ўрганилаётиб машинанинг изидан тушишган. Натижада Каримни топшишган. Ўз навбатида у Валини сотган. Вали айби-рини барчасини бўйнига олган. Тергов жараёнида Тошкентда қилган ишми-лик ҳам очилиб қолди. Лекин қанчалар қўлмай, мен тўғрида ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Тезда тергов изоляторига йўл топдим. Карим билан гапллашиб, сал ўзимни босдим. У мени сотмасликка сўз берди. Вали эса уларни ташлаб қўймаслигим учун менга қасам ичирди. Лекин терговчилар ниманидир сезишган шекилли, мени ҳам қистовга олишди. Икки ой сарсон бўлиб юрдим. Чўптакке-сарлик ва безорилликка оид қишлоқ-учта йил очилиб, менга уч йил беришди. Шунга ҳам шукур қилдим. Қариндошларим, қиллоқдошларим ҳайрон эди. Уларни менга тўхмат қилишай-

танликларига ишонтирдим. Уч йил ўтга-кетди. Навойидаги колонияда жазони ўтаб, орта қайтдим. Уйга қайтиб худди қилдим. Уч-тўрт кун ўтгач машинамини миниб яна қира-қашликни давом эттира бошладим. Қариндошлар мени ўртага олиб, уйлаб қўймоқчи бўлишди. Қамалиб чиққан болага ким ҳам тегарди деб уларни рад этдим. Йўлда ҳар хил одамга дуч келасан. Таксичи деганлари «сўнги ахборот» манбаи. Нима, қаерда, қачон бўлганлиги, халқнинг аҳоли қандайлиги, қайси изора билан қандай ишни битириш лозимлигини қирақаш зоти яхши бўлади. Чўки машинанга минган ҳар бир одам жуда кўп ахборот бериб кетади. Кунларнинг биринида бир чиройли қиз машинамини тўхтатди. Тезда мед-коллежга ташлаб қўйишни сўради. Мен уни йўл-йўлақай қўлдириб, ҳазиллашиб бордим. Не бахти, шу кўз юрагимга ўт ташлаб кетди. Очиги, ҳаётда ўта хунук ва жирканч ишларни кўрган кишида муҳаббатнинг ўғини мўъжиза эди. Масалан, хоҳла-қан қизга қараб ичак-чавонининг қаерда жойлашгани, кекирдаги кесилганда қандай ҳолга тушиши хаёлингга лоп этиб келаваради. Чўки бу ишларни кўзин билан кўргансан. Лекин бу ҳиссиётлардан қутулишга муваффақ бўлдим. Бунда мана шу қиз менга ота этган соф тўғиларга қўмакка келди. Уч-тўрт марта уни излаб коллежга бордим. Ниҳоят қизини ўзимга қаратиб олдим. Биз учраша бошладик. Коллеж битирувчиси бўлган бу қизнинг мен билан турмуш қуришга розилигини кўзлари айтиб турарди. Тоғаларим қиз яшайдиган Жиззах шаҳрига совчилка бориб, қуруқ қайтишди. Қамалган болани кувё қилмаймиз дейишибди. Мен арқончи ушун ташлаша қарор қилдик. Таксичилигимни қилиб юравердим. Қиз билан эса учрашганига давом этдик. Бир қанча вақт ўтгач, уни қимгадир унаштиришганини эшитиб қолдим. Бу мени қаттиқ изтиробга солди. Ўша болани излаб топдим. Ҳаммасини эркакча гапллашиб олишни таклиф қилдим. Қиз билан учрашиб туришимизни, у мени яхши кўришини тушутирдим. У бола қизнинг ўзидан сўраганимни талаб қилди. Эртасига коллежга бориб, масалга нуқта қўйдик. Хуллас, у фотихасини қайтариб олди. Қизнинг ота-онаси бунда менинг қўлим борлигини билиб, баттар тўнини тескари қилиб олди. Ҳаммаси яхшилик билан туғишга умид қилишдан бошқа ило-жим йўқ эди. Чўки бошқа йўл билан

мақсадга эришишдан қатъиян воз кечгандим. Ниҳоят бир куни машинамга тасодифан қизнинг отаси миниб қўлибди. Йўл-йўлақай анча-мунча нарсаларни гапллашиб кетдик. У одам мени танимас, мен ҳам уни танимасдим. У кишида яхши таассурот қолдирганимдан беҳаҳор юрган-нида, қимгадир унга мен билан гапллашганга ўзи билмаган ҳолда улгурганини айтиб, ҳаммасини аён қилиб қўйибди. Хуллас, тақроран борган совчилар оқлик билан қайтишди. Севинганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Чўки режаларим амалга оша бошлаганди. Ўтмишда қилган ишларим учун виждоним қийналаётган — ҳаммасини ўзимча ювмоқчи эдим. Тўйимиз бўлди. Ақил-тақил таъмирланган, бир пайтлар ўғай онам менга зўғум ўтказган, отамни сўнги йўлга кузатган уйимга келин кириб келди. Мен илк бора бахт нималигини тушуниб етдим. Шунингдек, масъулиятли ва интизомли ҳам бўлиб қолдим. Тоғиш-туғишга барака кирди. Ҳамма жойини қайтадан таъмирлаб, мол-ҳол орттирдим. Вақтисоати билан оstonадан мана шу кўлларим билан илк фарзандимни кўтариб кирдим. Кечалари чакалок ингиси мени безовта қилар, ўзимда қандайдир янги ҳиссиётларни кашф этиб яшардим.

— Булар экан-ку, Шарифбой, — деб кўярдим ўзимча. Тангридан қилган гўноқларимни кеңиришини сўраб, илтижо қила бошлайман.
Эркин дўстим доим менга йўлдошлик қилиб келди. Унинг бироз эскирган «Дамас» машинаси бўлиб, мен каби қирақашлик қила бошлади. Гаржимдан машинасини таъмирлашда фойдаланиб турарди. Баъзан узоққа кетсам, қаерга кетаётганлигимни ўтдирилганга у орқали етказардим. Машинам бузилса униқини миниб кетаверардим. Уз навбатида у ҳам шундай қиларди. Орамздан қил ўтмас оғайни бўлиб қолдик. Хотиним уйда зерикшишимни айтиб, яқиндаги амбулаторияга ишга кирди. Бу пайтда ўғлимиз уч йилга кириб улгурганда. Тўсатдан Эркин машинасини авария қилди. Машинани тиклашнинг иложи йўқ эди. У мени машинамга иккинчи ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлади. Чўки куни билан машинада ўтириш одамни толқитирадди. Кечки пайт миҳоз қўпаяди. Кундузи Эркин, ботирроқ бўлганлигим учун кенаси мен ишлай бошладик.
Эркин баъзида йўл-йўлақай хотиним ишдан олиб келар, бу мени ташвишга солмасди. Одамларнинг

майда гапига ҳам парво қилмасдим. Биз Эркиннинг оиласи билан ҳам қалин эдик. Уртада гаштак, тўй-ҳашам ўтказардик. Лекин хотиним билан Эркин ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гап-сўзлар қўлайиб кетди. Хотинимга Эркин билан машинада бирга келишни таъқиқладим. Кўзга яқин бўлгани учун уни жуда рашк қилардим. Аммо Эркин мен суяниш-шим мумкин бўлган ягона инсон эди...

Бир куни Навойига бориб келишимга тўғри келди. Эркин мени Жиззахга элтиб қўйиб, ўзи қирақашлик қилиб туришга қарор қилди. Лекин автостанциядан Навойига телефон қилиб, тарвузим қўлтигимдан тушди. Касаллик тарқалмаслиги учун «зо-

на»да карантин эълон қилинибди. Шу тарихда Валини йўқлаб қўйиш режаси барбод бўлди. Кенгача шаҳарда қилиб кетдим. Ошна-оғайнилари билан чойхонага кириб «бешта-бешта» олдик. Қоронги тушар-тушмас уйга қайтсам, ҳеч ким йўқ. Хотиним ишдан келмаган, ўғлим Эркинлариникида эди. Хавотир ола бошладим. Икки чақиримча наридаги қўшни қиллоққа йўл олдим. Яёв юрш азоб эди. Дала оралаб кетган йўлдан борар эканман, узоқда, дала ичида ўзимнинг машинамини кўриб, қотиб қолдим. Кўнглимга шубҳа оралаб, паналаб яқинлаша бошладим. Қўрган манзарамни кўрмай жон берганим яхшироқ эди. Мен ишонган, суянган икки энг яқин кишим менга хиёнат қилиб ётишарди. Келганимни сезишмади ҳам. Бўғзимдан ҳайқирик отилиб чиқди. Улар даҳшатда мангу қотдилар. Машинанинг олди ўринидиги ортида олиб юрадиган қовункесар пичоғим уларнинг қонига бўлганди. Кейини мана бўлди, мени қимлар қаерга олиб кетишди — билмайман. Кейинчалик айтишларинча, хотинимнинг ҳам, анави лаънатини ҳам қарийиб ўн-ўн беш жойидан пичоқланган ҳолда топшишибди. Мен бу хиёнатдан гантиб қолгандим. Яхшиям прокуратурада, судда мени аяшди — саккиз йилга қамалдим. Бундан бир соат олдин турма бошлиғи хотинимни ўлдирганимни эсга солганда жуда ёмон аҳволга тушиб қолишимнинг сабаби шунда... Тўзимни ичиб, тузлугумга тултурган дўстимнинг қилмишини оқлаб бўладими ахир? Ўша қилмишим учун аллақачон жазомни ўтаб чиққанман. Вақт — оқар дарё деганларидек орадан беш йил ўтиб, озодликка чиққанманда энди ёлғиз ўғлимдан бошқа йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ эди. Яна яхши ҳаётга қайтишга қарор қилгандим. Лекин қайнотам ва қайнонам ўғлимни менга беришмади. Бузобзорани олдинги қилган ваҳдийликларим учун худдодан берилган жазо деб ўйлай бошладим ва тақвога бериладим...

Йигит ҳикосини ана давом эттириши мумкин эди. Лекин бу пайтда тонг оқариб кела бошлаган, кекса лўлининг ҳам чарчаганлиги кўриниб турарди. У фақуллогда телук товуш билан:

— Бошигдан шунча нарсани ўтказган экансан, сенга кўп нарсани тушутиришининг кераги йўқ. Хўшёр бўлсан бас... — деди ва тескари қараб олди.

Сандмурод ШЕРНАЗАРОВ, Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ



Хитойга ташриф

Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир расмий ташриф билан Хитойда бўлиб турибди. Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган Шэнчжен шаҳрида икки кун бўлиб, КХДР раҳбари Хитой раиси Ху Цзинтао билан учрашиш учун Пекингга йўл олди. Ташриф давомида Шэнчжен шаҳрида жаноб Ким Чен Ир Хитойнинг иқтисодиёт ва бошқа жабхаларда эришган ютуқлари билан танишиб чиқди. Хабарларда айтилишича, икки давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида Шимолий Корея ҳамда Хитой ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилади.

Иккинчи Ироқ бўладими?

Эрон ҳукуматининг жорий йилнинг 9 январидан, икки йиллик таънафусдан сўнг ядровий изланишларни давом эттириш тўғрисида қарори жаҳон ҳамжамиятининг кизгин мунозараларига сабаб бўлди. Расмий Техроннинг мазкур изланишлар маҳсули фақатгина тинчлик йўлида сарфланиши борасидаги баёноти фарб мамлакатлари ва Исроил томонидан бошқача таҳлил қилинмоқда. Ушбу давлатлар раҳбарияти Эрон ўзининг ядро куралига эга бўлмоқчилигини таъкидлашапти. Мазкур масала АҚШ сенатидан ҳам афроғлича муҳокама қилинди. Бир нечта сенатор, хусусан Республикачилар партиясидан Жон Маккейн оммавий ахборот воситаларига берган интервюсида Эронни бу йўлдан тўхтатиш лозимлигини қайд этиб, зарурят тўғрисида харбий кучдан ҳам фойдаланиш кераклигини маълум қилди. Сенаторнинг гапига кўра, бир нечта авиазарбалардан сўнг Эрон ҳукумати ядровий дастурни четга суриб, бошқа масалалар билан банд бўлиши аниқ. Бундан кўриниб турибдики, АҚШ ўз мақсадидан фойдаланиб яна битта уруш ўчоғини вужудга келтиришга шайланмоқда.



Президентга импичмент

АҚШ сенати мамлакат президенти Жорж Бушга нисбатан импичмент эълон қилиши мумкин. Гап шундаки, Жорж Буш мамлакат судининг розилигисиз АҚШ фуқароларининг телефон орқали сўзлашуви ва электрон почтасини текшириш тўғрисидаги дастурга имзо чеккан. «ABC» телеканалига берган интервюсида АҚШ сенатининг юридик масалалар бўйича кўмита раиси Арлен Спектер мазкур масала юзасидан берилган саволга қуйидагича жавоб берди: «Бу ҳолат ноқонуний деб топилса, президент учун жазо импичмент бўлиши керак. Фуқароларнинг уй-фиқрлари ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар дахлсизлиги мамлакат конституцияси томонидан кафолатланган ва ҳеч бир шахс бу қондан бузишга ҳақли эмас. Бирок, янаям олдиндан бир нима дейиш қийин». Сенат жорий йилнинг 1 февралидан мазкур масалани қўриб чиқишни бошлайди.



Тартиббузарлар ким ўзи?

Хевронда тартибсизликлар давом этмоқда. Исроил армияси кўмондонлиги вазият барқарорлашмас экан, шаҳардаги Исроил мавзелари ёпиқ харбий ҳудуд деб эълон қилинишини билдирди. Гап шундаки, 8 нафар яҳудий оилалар Хеврондаги араб мавзеларида жойлашган биноларни эгаллаб олган. Шаҳар маъмурияти эса бу биноларни бўшатиб қўйишни талаб қилган. Шундан сўнг маъмурият қароридан норози бўлганлар тартибсизликларга қўл урган.



Тарихда цик бор

Европа давлатларида аёл кишининг ҳукумат раҳбари бўлиши оддий ҳолат бўлса, Жанубий Америка давлатлари учун бу катта ўзгаришлар дегани. Чилида президентлик сайловларининг иккинчи бос-



қичи нҳоясига етди. Мамлакат тарихида илк марта президентлик курсисини аёл киши — Мишел Бачелет эгаллади. Сайловларда сўлмарказ коалицияси номзоди Бачелет хоним 53 фоиз овоз йиғиб, галаба қозонди. Унинг рақиби — Миллий тикланиш партиясини номзоди Себастьян Пинера эса сайловчиларнинг 47 фоиз овозини тўплаган. Миллионлаб чилиликлар ҳукумат тепасига аёл киши келишини катта ўзгаришлар сари ташланган биринчи қадам дея эътироф этишмоқда. Таъкидлаш керакки, Жанубий Америка давлатлари тарихида иккинчи бор аёл киши президентлик курсисига эга бўлмоқда. Биринчи аёл президент Панамада сайланган.

Қудратлар бирлашганда



Ҳиндистон ҳамда Хитой келажакда иқтисодиёт соҳасида ҳамкорликни янада кучайтиришни кўзламоқда. Утган ҳафта икки мамлакат вакиллари келажакда хорижий давлатлардан нефт ресурсларини сотиб олиш бўйича ҳамкорликда ҳаракат қилиш тўғрисида шартнома имзоладилар. Пекинда мамлакат иқтисодий режалаштириш ва энергетика вазири Ма Кай ҳамда Ҳиндистон нефт вазири Мани Шанкар Айяр ўртасида бўлиб ўтган учрашувда томонлар бундан бўён хориждаги нефт ресурсларини сотиб олиш билан чекланибгина қолмай, уларни ўзлаштириш ва ривожлантириш масалаларини ҳам афроғлича муҳокама қилдилар.


Навбатдагиси — ҳал этувчи

Финляндияда ўтказилган президентлик сайловининг биринчи босқичи нҳоясига етди. Финляндиянинг амалдаги президенти, Социал-демократлар партиясини номзоди Таря Халонен 50 фоиз овоз йиғди. Қизиги шундаки, кўпгаб сиёсатчилар Халонен биринчи босқичдаёқ 50 фоизлик маррани забт этиб, иккинчи бор президентлик курсини эгаллайди деб тахмин қилишганди. Омад ҳамиша ҳам кулиб бoқмайди деганлари шу бўлса керак, Халонен 46,3 фоиз овоз йиғди, ҳолос. Иккинчи ўринини 24 фоиз овоз билан Консерватив-коалицион партия номзоди, собиқ молия вазири Саули Ниинисто эгаллаб турибди. Учинчи бўлиб сайловлар маррасига 18,7 фоиз овоз билан мамлакат бош вазири Матти Ванханен етиб келди. Президентлик сайловларининг иккинчи босқичи 29 январь кунини ўтказилди, унда фақатгина кўпроқ овоз йиға олганлар — Таря Халонен ва Саули Ниинисто иштирок этадилар.



Маёққа ким кўжайин бўлади?

13 январь кунини Россия мутахассислари томонидан назорат қилинадиган Ялтадаги маёқ Украина харбийлари томонидан эгаллаб олинди. Украина тарафи бу ҳаракат маёқни тўлиқ капитал таъмирлаш учун қилинганлигини билдирди. Уларнинг айтишича, Ялтадаги маёқ 40 йилдан бери таъмирланмаган ва кўпгина ускуналар ишдан чиқиб арафасида. Россиянинг Қора денгиз флотини кўмондони Александр Татаринов ҳамда Ялта порти бошлиғи ўртасида ушбу маёқни Россия мутахассислари қўлига топшириш тўғрисидаги музокаралар самара бермади. Россия томони маёқ ижарага олиниши тўғрисидаги икки давлат вакиллари томонидан имзоланган шартномага доир ҳужжатларни тақдим этса ҳам, Ялта порти бошлиғи бу ҳолатини инкор этди. Таъкидлаш керакки, мазкур маёқ ёрданидан асосан Россиянинг Қора денгиз флотини кемалари фойдаланишар эди. Бирок маёқ Украина ҳудудида жойлашганлиги муаммага сабаб бўлди.



Жон сақлайман деб...

Душанба кунини Владивосток шаҳри марказидаги саккиз қаватли бинода ёнғин руй берди. Мазкур бинода турли фирма ва ташкилотлар жойлашган бўлиб, ёнғин бошланган 6-қаватда «Жамгармабанк»нинг бўлими фаолият кўрсатган. Маълумотларга қараганда, бино ёнғин ичида қолганида жон сақлаш мақсадида бир неча киши 6-қаватдан пастга сакраган ва ҳалок бўлган. Айни дамда 7 киши қурбон бўлганлиги маълум. Ёнғин сабабларини аниқлаш бўйича воқеа жойида Приморск ўлкаси прокурорининг ўринбосари Сергей Лучанинов бошчилигида тергов гуруҳи иш олиб бoрмоқда.



«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда «Qonun himoyasida» бирлашган таҳририяти Бош прокуратуранинг бўлим бошлиғи Светлана Ортиқовага волидаи муҳтарамаси **Вера ОРТИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Ташкилий назорат ва таҳлилот бўлими катта прокурори Олимжон Абдуалимовга падали бузруквори **ХОЛМАМАТ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Умр — оқар дарё дейдилар. Инсон ҳам бамисоли дарё. Агар ҳаёт йўли тўғри, ҳалол босиб ўтилган бўлса, ундан фақатгина яхшилик қолади.

Умри давомида эзгулик, ҳалоллик ва адолат билан меҳнат қилиб, қарилк гаштини сураётган Назиржон Раҳимов ана шундай инсонлардан саналади. Меҳнат фаолиятини кишлоқ туманидаги мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Назиржон ака 1963 йилдан прокуратура органларига ишга ўтди.



Эзгулик йўли

— Болалигимдан ёлгон гапирганларни ёмон кўрадим, доимо ҳар нарса ўз ўрнида бўлишини хоҳлардим. Шу сабабми, ҳуқуқшуносликни танладим. Айни пайтда ёшлигимдан адабиёт ва санъатга меҳр қўйдим,— дея хотирлайди у киши.


Ҳақиқатан ижода боғланган қалблардан эзгулик аримаиди. Шу жиҳатдан ҳам қаҳрамонимизни ижодкор-прокурор дейиш мумкин. У киши Андижон вилояти прокуратура органларида 35 йилдан ортқ меҳнат қилиш билан бирга адабиёт билан яшади, усиз ўтган ҳар бир кунини бесамар кетган кун сифатида баҳолади. Н.Раҳимовнинг қаламига мансуб «Бола бошидан», «Суд залидаги ўйлар», «Юқумли қилиқ» каби ҳикоялар тўплами китоб ҳолида чоп этилган. «Хангома», «Охириг сўз», «Оқибат» номли тергов ва суд материаллари асосида ёзилган драмалари Андижон вилоят театрида, Ўзбекистон миллий театрида саҳналаштирилган. Шунингдек, айрим асарлари телевидение орқали «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувида намойиш этилган.

— Прокуратура органларида кўп йиллар турли жойларда терговчи лавозимида ишладим. Терговчи ижодкор бўлиши керак. Ишга ўзгача ёндашмоғи лозим. Адабиётга қизиқишим терговчилик соҳасида ишлашимда жуда кўп келган. Деярли ҳар ишни олиб бораётганимда томонларни ўрганиб, уларга ижобий таъсир этиши мумкин бўлган йўллари қидирардим. Фурур билан айтишим мумкинки, қинғир йўлга кирган анча инсонларни тўғри йўлга солганман. Уларда яхшилик, одамлар билан баҳамжиҳат яшаш ҳиссини уйғотганман, — дейди Назиржон ака. 5 нафар ўғлини ҳам шундай фазилатлар билан камолга етказган Назиржон ака ҳозир невар ва чеваралар оғушида осуда ҳаёт кечирмоқда.

Назиржон аканинг Андижон вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни

тарбиялашдаги меҳнати Ўзбекистон Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан алоҳида эътироф этилиб, бир неча марта муносиб баҳоланган. Ишчанлик, қонунбузилишларга муросасизлик, одамларга нисбатан самимийлик, бурчга садоқат, фидойиллик каби фазилатлар эгаси бўлиш Назиржон Раҳимов табаррук 70 ёшини қаршиламोқда. Ушбу шодиёна санада у кишига, оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хондонлари доимо қалблари каби эзгулик нурига тўлишини тилаймиз.

С.ТОҲИРОВ



Қишининг кўрки қор билан.

Яхшиларни асранг, яхшилар!



Юртдошларимиз орасида яхшиларнинг бисёрлиги бизни ҳар доим қувонтириб келади. Ярим асрдан ортқ жўшқин фаолиятини қонун устуворлигига бахш этган Қилич Норбеков ана шу бебаҳо яхши деган номга аризулик хислатлар соҳибидир.

Бундан роппа-роса етмиш йил аввал Пойариқ туманининг Ҳартанг қишлоғида таваллуд топган Қилич ака сермашақат умр йўлини босиб ўтди.

Юриш-туриши, билимдонлиги, ҳушсуханлиги билан кўпчилиқка ибрат бўлган ёш мутахассис 1960 йилда Ўртаосиё давлат университетининг юридик факультетини тугатганидан сўнг дастлаб Самарқанд шаҳар ИИБда тезкор вақил, кейин Жиззах шаҳар ИИБда катта тезкор вақил вазифасида ишлаган. Тақдир эса унга умри-ўсган диври аҳлига хизмат қилишдек бахтни раво кўрганди. Шу зайл у қариб 15 йил давомида Пойариқ туман ички ишлар бўлимида маъсул лавозимларда ишлади.

Кези келганда ана шунини айтиб ўтиш ўринлики, Қ.Норбеков Нарпай туман ИИБ бошлиғи вазифасида 2 йилдан ортқ ишлаб келгач, айнан шу туман прокурори

лавозимида тайинланган эди. Бир конституцион муддат Нарпайда ишлагач, Қилич ака 1983 — 1987 йиллари Каттакўрғон шаҳрида прокурорлик қилди. Шундан сўнг Пойариққа қайтгач, қатор йиллар туман прокуратураси терговчиси, прокурор ёрдамчиси вазифаларида сидиқидан меҳнат қилди. Қилич ака пенсияга чиққандан кейин ҳам кўп йиллар туман ҳокимиятида юрист бўлиб фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда Челек шаҳар юридик маслаҳатхонасига мудирилик қилмоқда.

Қ.Норбековнинг узоқ йиллик фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланган. Байрамлар, тўй-тантаналарда унинг кўксини «Шон-шараф» ордени, «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» ва «Нуксонсиз хизматлари учун» медаллари, «Меҳнат faxриис» нишони беэаб турарди. У кишининг хондониди дунёга келган 5 ўғил ва 5 қизнинг ҳаммаси ўқимшли. 30 дан ортқ неваранинг севибли бобосига айланган Қ.Норбеков ҳали кексаликни тан олмоқчи эмас. Асраб-авайлашга, эъзоз ва эҳтиромга лойиқ шундай инсонлар доимо бор бўлиши.

Хуришд СУБХОНКУЛОВ, Пойариқ туман прокурори

Ana xolos!

Илҳом келса

Кўплар Россия киноижодкорлари суратга олган «Миллий оғ хусусиятлари» филмининг кўрган бўлса керак. Унда сигирини туман марказига олиб бормоқчи бўлган ўрмончи учувчиларга арок тарикасида пора бериб, самолёт бомбалюкда сигирини жойлаштиради ва туман марказига олиб боришни тайинлайди. Бирок, мол мол-да. Бу гайриоддий ҳолатда сигир бечора қўрқиб, бомбалюкда эканлигини учувчиларнинг командирига билдириб қўяди. Инсондек қизиқувчан мавжудот бўлмаса керак. Мазкур филмин кўриб, ундан руҳланган Валерий Азгеев ўзининг сигирини Тайга ўрмонларида туман марказига олиб боришга учувчиларни кўндирди. Бирок, самолётда эмас, балки «Мимино» филмидагидек вертолётда. Хаваго кўтарилгач, мол қўрқиб турли томонларга силтанитишни бошлайди. Унчалик катта қанча эга бўлмаган вертолёт кўнишга мажбур бўлади. Ҳолатни қарангки, қўнаётганда вертолётнинг парраги сув сақланадиган иншоотга тегиб кетади. Оқибатда иншоот ҳам ишдан чиқади, паррак ҳам. Сигирини вертолётга бойлашга уларни нима мажбур этди деган саволга, учувчи бир битта яхши базм дея жавоб берадилар. Арзиманган бир-икки минг сўмлик даромад миллионлаб чикимга сабаб бўлди.

Собир ТУРАТОВ

Йўл юриб чарчадим. Уйга етиб келдим-у, ишқомлар остидаги тапчанга чўшилдим. Хотинимдан бир коса айрон сўраганим, тўғчаси босишга шай турган магнитофондай дийдиёсини бошлади.

— Айрон сиимиргилари келса сигирининг зуридан топсинлар. Соатлаб елинини тортсанг ҳам бир қошқик сут бермайдиган тулумини топиб онлга болгайди-ю, ана муздек айрон сўрайди-я бу киши!

— Ҳай, жагинга эрк берма, — дедим мен ҳам ётган жойимда дағдага аралаш. — Амманда украинский хўкиздан қочирилган молнинг зурриёди бор деб ҳоли-жонимга қўймай сотиб олдингиз ўзинг эмасми?

— Нима бўпти сотиб олдингиз бўлсам! Охури сервитамин эмга тилиб-тошиб турмаса, ниманям кутасиз?!

— Аслида сенга қулоқ солиб мол танлаган мен аҳмоқ. Қўшнимиз Мурод пучқунинг қоқшол тонасини сотиб олганимда ҳам сенинг қўлингга термулди, ютини ўтирмаган бўлардим. Битта-ю битта деворга сўяб қўйган тирриқ сигири бор-у, унинг келинлари ҳар кун шаҳарга суткаки обориб сотишади. Қачон уйига кириб борсанг, дастурхонида сариёғ билан қаймоқ тўлиб-тошиб турганига қўзинг тушади.

— Мундоқ эр бўлиб, жониворнинг охурини кунжарага тўлдириб қўйсангиз, ана ўша нарсалар сизнинг ҳам

олдингизда муҳайё бўлади...

Хотиннинг жағи шакиллай бошлади, тамом, уна-мунчага тўхтамайди. Яхшики қочиб кутулган маъкул деган ўйда човғундаги доғ сувни сидирдим-у, хачирини аравага қўшдим.

Офтоб тилига ўқичилиб, анорға тўшиб пичан ўрдим. Хаш-паш де-



«СУТЧИ КЕЛИНЛАРИ»

гунча бир арава ўрни хиермон қилиб қўйибман. Икки-учкун хотиннинг оғзи елимиланадиган бўлди деб суюниб уйга жўнадим. Йўл-йўлакай Назар жувозчиникидан икки қоп кунжара сотиб олишни ҳам унутганим йўқ.

Орадан ҳафта ўтди. Ношуштада на бир коса айрон, на бир энлик сариёғдан дарак бўлди. Хасис бўлмағи ўл ден койиним охири.

— Косам оқариб, сут-қатинқа ёлчииманми ўзи?!

Хотин овозини мискарнайдай ва-ранглатиб қўйиб юборди.

— Оқелган ёмингизда на калория бор, на хосият... Охурини тўлдириб кунжара тўксам ҳам бир қошқик сутни қўймайди-я! Бизнинг-ку, илигимиз узилмас, лекин бечора бузоғи кун

сайн доврираб бораёпти.

— Бўлди етар! — дедим бўғзимга отилиб келган аламини базур ичга ютиб. — Эртага бозорга чиқариб сотиб юбораман. Елинини шайтон эмалдиган бундай сигирининг боридан йўғи яшди!

— Сотиб ҳам кўринг-чи! — қайсарлиги тутди хотинимнинг. — Зулайхо амманнинг украинский хўкиздан қочган сигирининг зурриёди-я!

— Менга деса Бразилия бўқасидан қочмайдими! Лунжинг тўлиб қай-

да қўлимга оғзи очилган калиш-у, сутургидан бошқа ҳеч нима илинмади. Оёқ учиди оғил томон юрдим. У ерга яқинлашганим сайн узлуқсиз тизз-тизз деган товуш эшитила бошладим. Ҳайрон бўлдим. Бу қандай сас бўлиши мумкин деб бирпас қулоқ солиб турдим. Сўнг ишқомларни паналаб оғил тарафга янада қиндиқ юрдим. Не кўз билан кўрайки, кимдир ўнг-сўлга олазarak қараб қўйганча ситиримизни соғиб ўтирарди. Эхсонам чиқиб кетди. Каллаи сахарлаб

моқса нон ботириб ея олмасанг. Юракнинг тафтини муздек айрон билан босолмасанг. Ҳе, мол бўлмай ҳар нарса бўлур! — дея томоғим йиртилгудек бўлиб бор овозда ўширдим. Худо инсофини бериб, хотиним лом-мим демади. Ишқом тағиди тапчанча эртанги бозорни ўйлаб ётиб ухлаб қолибман.

Тон арафаси. Кекса итимиз эриниб гингшай бошлаганини эшитиб бедорландим. Ой нурилари таралган йўлда Қоплоннинг оғил томонга беҳаловат бориб келаётгани менга шундоқ кўриниб турарди. Устига устак ситиримизнинг уч-тўрт бора хавотир билан «мў-мўлаб қўйганини эшитиб, серкак тортидим. Ўрнимдан туриб, қаттиқроқ бирон нарса изладим. Шутоп-

НАҲВИЯ

ола гомишини соғаётган жинми, ал-вастими деган гумон аъзои баданимни жунжиктириб юборди. Тиззаллаб ўтириб қолдим. Шу пайт девор-дармиён қўшнимизнинг боғи томондан кимингидир шивирлаган овози эшитилди: — Дилфуза, бўлсангиз-чи, пакир-ни узатинг! Сигир соғаётган қора шивирлаб койинган бўлди: — Ҳали тўлгани йўқ, Ҳовлиқтирмай турсангиз-чи, овсижон! Кутилмаганда вужудимга илиқлик югурди. «Худого шукур! Жин-арвоҳ эмас экан!», — деб юбордим. Чунки галлашаётганлар қўшнимиз Мурод пучқунинг сутчи келинлари эди.

Эрпўлат БАХТ

HUQUQ
yuridik gazeta
Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxolliq ABDURAZZOQOV
Tahrir hay'ati:
Bahriiddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida O'23-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farglanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 358. 18.926 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nabatchi muhomi: J.MAXSUMOV
Musohihli: A.MUSTAFOV
Gazeta «Sharh» NMM bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kumlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2 3 4 5 6 7 8